BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

# “ЎЗБЕКИСТОННИ ТОП ЎН ТУРИСТИК ҲУДУДЛАР ҚАТОРИГА КИРИТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ”

**мавзусидаги халқаро онлайн илмий-амалий анжуман материаллари тўплами**

**2020 йил 11-12 декабрь**




# “PROSPECTS FOR UZBEKISTAN'S ENTRY INTO THE TOP 10 TOURIST DESTINATIONS: SUSTAINABLE DEVELOPMENT OPPORTUNITIES”

**collection of abstracts**

**December 11-12, 2020**

# “ПЕРСПЕКТИВЫ ВХОЖДЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА В ДЕСЯТКУ ЛУЧШИХ ТУРИСТИЧЕСКИХ НАПРАВЛЕНИЙ: ВОЗМОЖНОСТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ”

**сборник тезисов**

**11-12 декабря 2020 года**

Активация Wi
Чтобы активирова
раздел "Параметр

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
“СЕРВИС СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ” ВА “ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ” КАФЕДРАЛАРИ

# “ЎЗБЕКИСТОННИ ТОП ЎН ТУРИСТИК ҲУДУДЛАР ҚАТОРИГА КИРИТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ”

**мавзусидаги халкаро онлайн илмий-амалий анжуман материаллари тўплами**

**2020 йил 11-12 декабрь**

# “PROSPECTS FOR UZBEKISTAN'S ENTRY INTO THE TOP 10 TOURIST DESTINATIONS: SUSTAINABLE DEVELOPMENT OPPORTUNITIES”

**collection of abstracts**

**December 11-12, 2020**

# “ПЕРСПЕКТИВЫ ВХОЖДЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА В ДЕСЯТКУ ЛУЧШИХ ТУРИСТИЧЕСКИХ НАПРАВЛЕНИЙ: ВОЗМОЖНОСТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ”

**сборник тезисов**

**11-12 декабря 2020 года**

**“Дурдона” нашриёти**
**Бухоро – 2020**

4. To'xliyev I.S. "Turizm asoslari" Samarqand, 2008.
5. Internet saytlar: www.uzbektourism.uz;

## ЖАЙРОН ПИТОМНИГИ – ЧЎЛ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

**Мавлонов А.М. - БухДУ Экология ва география кафедраси доценти, г.ф.н.**
**Тўраев Б. - магистрант**

Жонажон Ўзбекистонимиз табиати ғоят гўзал ва хилма-хил. Унда баланд тоғлар, адирлар, хушманзара водий ва воҳалар, бепоён чўллар катта ҳудудларни эгаллайди. Мазкур табиий ландшафтлардан мамлакатимиз Миллий иқтисодиётининг турли соҳаларида самарали фойдаланиб келинмоқда. Айниқса, республика майдонининг 70 фоиздан ортиқ қисмини ташкил қилган чўл ҳудудларини имкониятлари катта. Бухоро вилояти Ўзбекистоннинг жануби-ғарбида, тўлиғича чўл зонасида жойлашган вилоятлардан бири. Табиий географик жиҳатдан вилоят ҳудудини Қуйи Зарафшон округи ва катта қисми Қизилқум чўли ишғол этган. Вилоятнинг чўл қисмидан бугунги кунда саноат (тоғ-кон саноати, ёқилғи, қурилиш материаллари ва х.к.), чорвачилик (қоракўлчилик) ва транспорт каби соҳаларда кенг фойдаланилмоқда. Аммо, чўлларнинг туристик салоҳияти ҳам ўзига хос.

Бухоро вилоятининг 88,6 фоизини чўл-яйлов минтақаси ташкил этади. Вилоятнинг чўл қисмидаги қадимий йўллар (Бухоро – Қарши, Бухоро – Хоразм ва х.к.), сув объектлари (Аму-Бухоро машина канали, ташлама кўллар, минерал булоқлар ва қудуқлар ва х.к.), махсус қўриқ масканлари (давлат буюртмалари, питомниклар ва х.к.), қадимий шаҳарлар (Варахша, Пойкент, Вардонзе ва б.), тарихий обидалар ва зиёратгоҳлар туризм объектлари сифатида хизмат қилиши мумкин. Бухоро вилояти чўлларининг ноёб туризм объектларидан бири Бухоро ихтисослаштирилган "жайрон" питомнигидир.

"Жайрон" питомнигига 1977 йилда асос солинган бўлиб, у Бухоро шаҳридан 42 км жануби-шарқий йўналишда Бухоро – Қарши магистрал йўли яқинида жойлашган. Дастлаб, "Жайронларни кўпайтириш бўйича Бухоро махсус парваришхонаси" деб номланиб, унинг вазифаси бу ноёб ҳайвон турини кўпайтириш, биологияси ва популяция ресурсларидан рационал фойдаланиш муаммоларини ўрганиш бўлган. Олимларнинг тавсиясига кўра Момоқурғоти ва Саритош платолари орасидаги 5145 га чўл ландшафтлари (эрозион ботиқ) парваришхонани ташкил этиш учун ажратиб олинди. Чўл флораси ва фаунаси кенг тарқалган ҳудуд жайронлар яшайдиган табиий ҳудудларга тўла мос келади. Қолаверса, парваришхона жанубидан Аму-Бухоро машина канали оқиб ўтади.

Олимларнинг олиб борган изланишлари натижасида питомник ҳудудидаги ноёб ҳайвонлар сони кўпайиб борди. Дастлаб 43 та жайрон муҳофазаси билан ишлар бошланган бўлса, бугунги кунда 1045 та жайрон, 172 бош туркман қулони, 17 бош Пржевальский отлари, 2 бош хонгул (Бухоро буғуси), 52 бош Бухоро тоғ қўйлари ва бошқа турлар муҳофаза қилинмоқда.

Ҳайвонларнинг ноёб турларни кўпайтиришга ихтисослашган "Жайрон" экомаркази майдонини кенгайтиришга қаратилган сиёсат олиб борилди. 2009 йил 2 феврал Бухоро вилояти ҳокимлигининг 80-сонли қарори билан 9363 га майдон экомарказ балансига ўтказилиб, унинг майдони 16,5 минг гектарга етди. 2011 йил Шўртан газ-кимё мажмуасининг ҳомийлик ёрдами билан экомарказ ҳудудига янги майдонлар қўшилди. "Жайрон" экологик марказининг ҳудуди шартли равишда икки қисмга ажратилган. Биринчисининг майдони 5 минг га бўлиб, унда камёб ҳайвон турлари кўпайтирилади. Майдони 11,5 минг га бўлган иккинчи қисмида эса мослаштириш маркази жойлашган. Унда туркман қулони, Пржевальский отлари ва жайронлар учун табиий ҳолда кўпайтирилмоқда.

Бухоро ихтисослаштирилган “жайрон” питомнигининг туристик салохияти бекиёс. Мафтункор чўл табиати, ноёб ҳайвонлар ва бетакрор ландшафт қўйнида дам олиш, хордиқ чиқариш, саломатликни тиклаш ва табиат гўзаллигидан баҳра олиш мумкин. Қолаверса, экомарказнинг қулай географик ўрни[1] бунга имкон беради.

“Жайрон” питомнигига ташриф буюрган ҳар қандай турист қуйидагиларга эга бўлиши мумкин:

- Бепоён чўл табиати қўйнида хордиқ чиқариш (дам олиш);
- Чўл ландшафтларидан баҳра олиб саломатликни тиклаш;
- Чўл ҳайвонлари ва уларнинг биологияси тўғрисида маълумотга эга бўлиши;
- Чўл флораси ва унинг ўзига хослиги билан танишиш;
- Чўлда биологик хилма-хилликни сақлаш ва табиатни муҳофаза қилиш ишларини йўлга қўйилганлиги ҳақида эшитиш;
- Ов туризми, ов қилиш ҳақида ахборот олиш орқали экологик маданиятни оширишга эришиш;
- Ўқувчи ва талабалар учун чўл табиати бағрида, табиий лабораторияларда экскурсия ва дала (кўчма) дарсларни ташкил қилиш ва х.к.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “жайрон” питомнигида ички туризмни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун энг аввало, ўқувчи ва талаба ёшларни жалб қилиш чораларини кўриш лозим. Бунда, таълим муассасалари ва маҳаллаларда “жайрон” питомнигини тарғибот-ташвиқот қилиш, ёшлар орасида табиатни асраш ва экологик маданиятни оширишга қаратилган давра суҳбатлари ўтказиш яхши натижа беради. Шунингдек, “жайрон” экомарказы сайтини мунтазам янгилаб бориш, питомник ҳудуди бўйлаб онлайн туристик маршрутлар ташкил қилиш ҳам ижобий самара беради.

Ҳозирда Бухоро ихтисослаштирилган “жайрон” питомнигида туризмни янада яхшилаш, туристик инфратузилмани шакллантириш борасида амалий ишлар бошланган. Жумладан, питомникнинг сайти ташкил қилинган. Экомарказда музей фаолиятини йўлга қўйиш, питомник ҳудудида меҳмонхона ва конференция зали қуриш ишлари бошланган. Мазкур объектларни қурилиши яқин келажакда “жайрон” питомнигида нафақат ички туризмни, балки, ташқи туризмни ривожлантириши шубҳасиз.

Бухоро вилоятининг чўл ҳудудларида бундай объектларнинг кўпайиши эса, ўз навбатида вилоятда чўл туризмининг шаклланишига олиб келади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Мавлонов А.М. Чўл урбанизацияси. Бухоро. “Дурдона” нашриёти. 2015. – 176 б.
2. Мавлонов А.М., Жалилова Ч. Бухоро вилояти рекреация ресурсларидан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари. Орол бўйи ҳудудларида ноқулай экологик омилларнинг салбий таъсирларини юмшатиш масалалари. Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари. –Бухоро, 2020.- Б. 28-30.
3. Назаров И.Қ., Тошов Х.Р., Ҳалимова Г.С. Чўл зонасининг дам олиш ресурслари хусусида (Қуйи Зарафшон мисолида). География ва табиий ресурслардан фойдаланиш. Конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2001. 68-70 б.
4. Тошов Х.Р., Мавлонов А.М. Аму – Бухоро машина канали – рекреацион ресурс сифатида. Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Чирчиқ, 2019. - Б. 217-219.


[1] Бухоро – Қарши магистрал йўли бўйида жойлашган бўлиб, Бухоро, Когон ва Қоровулбозор шаҳарларидан транспорт қатновининг мавжудлигидир.

# МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| | **1-ШЎБА. 1-СЕКЦИЯ. 1-SECTION** | |
| Наврўз-Зода Б.Н. | Бухорои Шарифни "кичик ҳаж" мақомига эга зиёрат маконига айлантириш йўллари | 6 |
| Мухаммедов М.М. | Туризмни давлат томонидан тартибга солиш тизимининг институционал асосларини такомиллаштириш | 8 |
| Эштаев А.А. | Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини коронавирус пандемиясидан кейин қайта тиклаш йўллари | 10 |
| Yavmutov D. Sh. | Pilgrimage tourism and its prospects in Uzbekistan | 11 |
| Пардаев М.Қ.<br>Раҳимов Ҳ.А. | Туризм инфратузилмасини ривожлантириш масалалари | 14 |
| Ибрагимов Н.С.<br>Абдуллоев А.Ж. | Туристик ҳудудларни барқарор ривожлантиришнинг "рақамли тафовут" омили | 17 |
| Сафарова Н.Н. | Туризмни ривожлантиришда барқарорлик концепциясини қўллашнинг назарий ёндашувлари | 20 |
| Khalimova N.J.<br>Djafarova N.A. | Specificity of professional development in tourism industry | 22 |
| Hamroev H.R. | Mamlakatlarning turistik imkoniyatlarini aniqlash ko`rsatkichlari tahlili | 24 |
| Alieva G.I.<br>Zakirov A.Q. | Marketing strategiyasi asosida xizmat ko`rsatish sohasini rivojlantirish yo`nalishlari | 28 |
| Ғузоров Б. | Самарқанд вилоятида туризмнинг бугунги ҳолати ва келажак истиқболлари | 30 |
| Suyunova K.B. | Tourism as one of the strategic sectors economy of Uzbekistan | 31 |
| Жўраева З.Т.<br>Атоев М. | Аҳоли камбағаллигини бартараф этишда туризм имкониятларидан фойдаланиш | 33 |
| Ashurova M.X. | Servis tizimi faoliyatining mamlakatning ijtimoiy - iqtisodiy hayotidagi roli | 34 |
| Тошбоев З.М.,<br>Раҳматов Ғ.С. | Туризмни ривожлантиришда "янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш" маънавий-маърифий тарғибот тадбирларининг ўрни | 37 |
| Машарипова М. А. | Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантиришда инвестиция муҳити | 39 |
| Рустамов Ф.Р. | "Бўш вақт" ижтимоий қадрият сифатида | 42 |
| K.Sh.Yuldashev | Konsalting kompaniyalar tomonidan xorijiy investorlarni jalb qilish orqali yangi turistik hudud barpo etish | 43 |
| Исомов Б.С. | Проблемы развития туризма в Узбекистане | 45 |
| | **2-ШЎБА. 2-СЕКЦИЯ. 2-SECTION** | |
| Tadjieva S. U. | Buxoro viloyatida xizmatlar sohasining rivojlanishi | 48 |
| Ашурова М.Х. | Бухоро вилояти табиий-иқтисодий салоҳиятининг туризм ривожига таъсири | 50 |
| Каримжанова Р. | Наманган вилоятида туристик хизматлар ва унинг ўзига хос хусусиятлари | 54 |
| Куйнуратова М.А. | Туризм хизматлар бозорининг халқаро савдони ривожлантиришдаги моҳияти | 56 |
| Файзиева С.К. | Тенденции становления и развития гостиничного хозяйства в Республике Узбекистан | 59 |
| Рузиева Г.Ф. | Особенности и параметры современных гостиничных хозяйств | 61 |
| Аламов А.М. | Анализ и оценка перспективы развития туристско-рекреационного комплекса Таджикистана | 63 |
| Axmedova H. F. | O'zbekistonda ziyorat turizmini rivojlanirishda innovatsiyalarning o'rni | 65 |
| Ruziyeva M.<br>Tadjiyeva S.U. | Gastronomik turizmda innovatsiyalar | 67 |
| Каримов Қ.С. | Туризм ривожида ҳокимлик маҳкамалари фаолиятида ҳужжатлар ўрганилишининг аҳамияти | 69 |
| Пардаев М.Қ.<br>Куйнуратова М.А. | Мамлакатимиз ҳудудларида туризмни ривожлантириш имкониятлари | 72 |
| Qo`shmatov B.B.<br>Samatova N.M.<br>Amirova Sh.D. | Samarqand viloyatida turizmni rivojlantirish istiqbollari | 74 |
| Мавлонов А.М.<br>Тўраев Б. | Жайрон питомниги – чўл туризмини ривожлантириш объекти сифатида | 76 |
| Jabborova Z. | O`zbekistonda qishloq turizmini rivojlantirishda innovatsiyalardan foydalanishning ahamiyati | 78 |